

**XDP**

1918-yil  
21-iyundan chiqqan  
boshlagan

№26, 2023-yil  
12-iyul,  
chorshanba (32.772)

# O'zbekiston OVOZI

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

*Barchaga g'amxo'rlik — davlatning burchi*

**2023  
9-IYUL**

**O'ZBEKISTON  
RESPUBLIKASI  
PREZIDENTI SAYLOVI**

## ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ БЎЙИЧА ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ БАЁНОТИ

Хабарингиз бор, Марказий сайлов комиссияси томонидан 2023 йил 9 июль куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайловнинг дастлабки натижалари эълон қилинди.

Партиямиз сайловда қонунчилигимизда қафолатланган барча имкониятлардан фойдаланди.

Аввало, сайлов кампаниясини уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида партиямизда Марказий ва ҳудудий штаблар ташкил этилди, сайлов кампаниясини ўтказишда ёрдам бериш, тарғибот ишларини ташкил этиш мақсадида 15 нафар ишончли вакил шакллантирилди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида сайловчилар билан ўтказилган учрашувларда улар билан мулоқот қилиб, саволлари ва фикр-мулоҳазаларини тинглаб, **Сайловолди дастуримизни кенг тарғиб қилдик, ғоя ва таклифларимизни сайловчиларимизга етказдик.**

Давоми 2-бетда. ▶



## МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI САЙЛОВИ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мазкур мажлисида 2023 йил 9 июль куни бўлиб ўтган муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови натижалари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида сайловчилар рўйхатига киритилган фуқароларнинг 15,6 миллиондан зиёди ёки 79,88 фоизи ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиб, ўзи муносиб деб билган номзодга овоз берди.

Мажлисида 2023 йил 9 июль куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови яқунлари бўйича баённома тузилди ҳамда сайлов натижаларини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Жумладан, сайловда овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг 87,05 фоиз овози билан Шавкат Миромонович Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланганлиги тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан номзод Робохон Анваровна Маҳмудовага сайловчиларнинг 4,43 фоизи, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзод Улуғбек Илёсович Иноятовга 4,02 фоизи ва Ўзбекистон Экологик партиясидан номзод Абдушуккур Худойқулович Ҳамзаевга 3,74 фоизи ёқлаб овоз берилганлиги баённомада акс эттирилди.

Бундан ташқари, мажлисида муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида Марказий сайлов комиссиясига келиб тушган мурожаатлар тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Марказий сайлов комиссиясининг  
Матбуот хизмати.



## ЁЗГИ ОРОМГОҲЛАРДА БОЛАЛАР МАРОҚЛИ ДАМ ОЛИШМОҚДА!

2023 йил ёзги мавсумда оромгоҳларда 157 775 нафар болалар дам олдирилиши режалаштирилган. 200 та стационар оромгоҳларда фаолият юритадиган жами 4 225 нафар педагог ва ўқитувчилар жалб қилинди. Педагоглар махсус ўқув дастурлар асосида ўқитилиб, уларга курсни тамомлаганлик бўйича

сертификатлар тақдим этилди.

Дам олувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни ташкил этиш борасида малакали ходимлар томонидан ишлаб чиқилган 2 турдаги услубий қўлланмалар электрон шаклда махсус ўқувларни тугатган педагог ходимлар ва оромгоҳларга етказилди.

## АЁЛЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ ТИНГЛАНДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қашқадарё вилоят кенгаши ва Қарши туман оила ва хотин-қизлар бўлими билан ҳамкорликда "Аёллар билан юзма-юз" лойиҳаси асосида тумандаги "Жумабозор" маҳалла фуқаролар йиғинида сайёр қабул ташкил этди.

Қабулда тумандаги "Дашт", "Хонён", "Қоратеппа", "Жумабозор", "Чўлбўстон" маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи хотин-қизлар мурожаати ўрганилди. Жами 27 нафар хотин-қиз билан суҳбат ўтказилди. Уларнинг 2 нафарига туман тиббиёт бирлашмасига йўлланма, 12 нафарига ҳуқуқий маслаҳат берилди, 13 нафар хотин-қизнинг мурожаатларини ўрганиб чиқиш учун муддат белгиланди.

Ўз мухбиримиз.



ЭЛЕКТОРАТ  
МАНФААТЛАРИГА МОС

## МЕҲР КЎРГАНЛАР

ЎРГАНИШЛАР  
ДАВОМИДА АНИҚЛАНГАН  
ФУҚАРОЛАРНИНГ 131  
НАФАРИГА ЖОРИЙ  
ЙИЛДА УЙ ТОПШИРИШ  
РЕЖАЛАШТИРИЛГАН.  
АЙНИ ПАЙТДА 60 ТА УЙ  
ЭГАЛАРИГА БЕРИЛДИ.

5 САҲИФА



## SAYLOV



## ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ БЎЙИЧА ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ БАЁНОТИ

Шу билан бирга, Миллий телерадиокомпаниянинг теле ва радиоканаллари, маҳаллий телеканалларда, шунингдек, марказий ва маҳаллий газеталарда ажратилган **бепул эфир вақтлари ҳамда саҳифалардан тўлиқ фойдаланилди**, барча ҳудудларда тарғибот баннерлари илинди, тарғибот роликлари жойлаштирилди ҳамда **сайловчиларга 2 миллион нусхада турли тарғибот материаллари тарқатилди**.

Бўлиб ўтган сайловда фуқароларимиз юқори сиёсий фаоллик кўрсатиб, ўзлари муносиб билган номзодларга овоз бердилар. Шу қатори менинг номзодимни, партиямизнинг ғоя ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаб, овоз берган барча сайловчиларга, азиз ватандошларимизга самимий миннатдорчилик билдираман.

Сайловда овоз бериш ва овозларни санаб чиқиш жараёнларини партиямиздан тайинланган **10987 нафар кузатувчи ва ваколатли вакиллар** назорат қилиб боришди. Партиямиз кузатувчилари сайлов жараёнида **сайлов қонунчилигининг бузилиши билан боғлиқ қўпол ҳолатларни аниқламади**.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий сайлов комиссияси томонидан эълон қилинган **сайлов натижаларини асосли, деб ҳисоблайди**.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон либерал демократик партиясини, ушбу партиядан номзод **Шавкат Миромонович Мирзиёевни Президент сайловидаги ғалабаси билан табриклаймиз**.

Айни пайтда, партиямизнинг парламентдаги **38 нафар аъзолари** ва маҳаллий Кенгашлардаги **1563 нафар депутатлар корпуси** орқали электоратимизга берган ваъдаларимизни, шу жумладан, Сайловолди дастуримизда белгилаб олинган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда фаол ҳаракат қиламиз ҳамда сиёсий майдонда курашни давом эттирамиз. Келгуси йилда бўладиган парламент ва маҳаллий Кенгашлар сайловларига алоҳида тайёргарлик билан қатнашамиз!

Фурсатдан фойдаланиб, сайлов кампаниямизни ташкил этиш ва ўтказишда фаол қатнашган партиямиз аъзолари ва тарафдорларига, барча даражадаги партиямиз ходимлари ва бошланғич партия ташкилотларига, кузатувчиларимизга, биз билан яқиндан ҳамкорлик қилган оммавий ахборот воситалари вакилларига ўзимнинг чуқур миннатдорчилигимни ва юксак эҳтиромимни билдираман.

**Улуғбек ИНОЯТОВ,**  
Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан  
Президентликка номзод.

◀ Давоми, бошланғичи 1-бетда.

## САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИК ВА ХАЛҚАРО ТАЛАБЛАРГА МУВОФИҚ ЎТКАЗИЛДИ

**Марказий сайлов комиссияси Матбуот марказида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти кузатувчилар миссияси вакиллари иштирокида ҳам матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

Матбуот анжуманида қайд этилганидек, 27 нафардан иборат миссия вакиллари юртимизда бўлиб ўтган президентлик сайловида иштирок этиб, жараёнларни бевосита кузатиб бориш имконига эга бўлди. Жумладан, кузатувчилар 7-9 июль кунлари 40 дан ортқ сайлов участкаларида бўлиб, сайловчилар ва участка сайлов комиссияси аъзолари билан эркин суҳбат ўтказишди.

Миссия томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти

сайловида тайёргарлик кўриш ишларига юқори баҳо берилди. Бунда сайлов комиссияларининг фаолияти, жараёнлардан фуқароларнинг хабардорлигини ошириш, ОАВнинг иштирокини таъминлаш борасидаги ишлар эътиборга молик.

Миссия кузатувчилари сайловда фуқароларнинг фаол қатнашгани, сайлов комиссиялари томонидан юқори тайёргарлик кўрилганига гувоҳ бўлишганини эътироф этди. Шунингдек, сайлов жараёнида эътирозлар, ноқонуний ҳолатлар кузатилмагани, қонунбузилиш ҳолатлари қайд этилмаганини таъкидлади.

Кузатувчилар миссияси вакиллари қайд этганидек, ушбу сайлов Ўзбекистон сайлов

қонунчилигига ва халқаро сайлов талабларига мувофиқ ўтказилди. Шунингдек, сайлов жараёнлари очиқ ва шаффоф тарзда ўтди. Кузатувчилар Ўзбекистонда демократик ислохотлар илгирлаганини алоҳида қайд этди.

ШХТ кузатувчилари сайлов участкалари хусусида тўхталар экан, қутилмаган сайлов участкаларига ҳам боришгани ва халқаро кузатувчилар қутилган сайлов участкалари билан улар орасида ҳеч қандай фарқ йўқлигини таъкидлади.

Матбуот анжуманида ШХТ миссияси вакиллари томонидан ушбу сайлов Ўзбекистон келажакдаги белгилаб бергани, олиб борилаётган ислохотлар яна бир қадам олдинга силжишига хизмат қилиши эътироф этилди.



## МДХ КУЗАТУВЧИЛАРИ САЙЛОВ БЎЙИЧА ХУЛОСАЛАРИНИ МАЪЛУМ ҚИЛДИ

**Кунни кеча мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови уюшқоқлик билан ўтказилди. Сайловнинг дастлабки натижаларига кўра, ЎзЛиДеПдан Президентликка номзод Шавкат Мирзиёев 87,05 фоиз овоз тўплаб, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига қайта сайланди.**

Мазкур сиёсий тадбирни 15 та халқаро ташкилот, 47 та хорижий давлатдан ташриф буюрган жами саккиз юзга яқин халқаро кузатувчи бевосита кузатиб борди. Марказий сайлов комиссияси Матбуот марказида халқаро ташкилотлар миссиялари вакиллари иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтмоқда.

Жумладан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги сайловларни кузатиш миссияси вакиллари иштирокида бўлиб ўтган матбуот анжуманида кузатувчилар 2023 йил 9 июль кунни мамлакатимизда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти

сайловидаги кузатувлари бўйича хулосаларини, фикр-мулоҳазаларини билдирди.

МДХ ижроия кўмитаси раиси Сергей Лебедев юртимизда бўлиб ўтган сайлов муносиб ташкил этилгани, сайловчиларнинг жуда юқори кайфиятда, фаол иштирок этганини таъкидлади. Шунингдек, Ўзбекистонда сиёсий ва иқтисодий барқарорлик давом этаётгани, бу сайловларда ҳам ўз аксини топганини қайд этди.

Матбуот анжуманида миссия вакиллари номзодларнинг сайловолди дастурлари билан танишгани, номзодларга тенг шароитлар яратилгани, сайлов халқаро амалиётга мос тарзда ўтганлигини эътироф этди. Шунингдек, кузатувчилар бир неча сайлов участкаларида бўлишгани, участкалар барча зарур шароитлар билан таъминлангани, улар ягона мақсадга хизмат қилгани, участка сайлов комиссияси аъзолари фаол ишлаётганини қайд этишди.

## ЕХХТ ДИИХБ САЙЛОВНИ КУЗАТИШ МИССИЯСИ ЎЗ ХУЛОСАЛАРИНИ ТАҚДИМ ЭТДИ



Мамлакатимизда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини 15 та халқаро ташкилот, 47 та хорижий давлатдан ташриф буюрган 800 га яқин халқаро кузатувчи бевосита кузатиб борди. Халқаро ташкилотлар миссиялари вакиллари матбуот анжуманилари ташкил этиб, Ўзбекистондаги сайлов жараёнларини кузатиш натижаларини маълум қилди.

Жумладан, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ЕХХТ ДИИХБ) сайловни кузатиш миссияси томонидан ҳам матбуот анжумани ташкил этилди. Унда ЕХХТ ДИИХБ миссияси вакиллари, Марказий сайлов комиссияси аъзолари, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Матбуот анжуманида қайд этилганидек, ЕХХТ ДИИХБ миссияси таркибида 220 нафар кузатувчи республикамизнинг турли нукталаридаги қатор сайлов участкаларида бўлиб, сайловни кузатиш имконига эга бўлдилар. Ҳар бир сайлов участкасида сайловчиларнинг келиши, рўйхатдан ўтиши, бюллетенларни тўлдириши каби барча жараёнлар кузатиб борилди. Овоз бериш жараёнида фуқа-

ролар куннинг биринчи ярмида фаоллик билан иштирок этгани айтилди.

Барча сайлов участкаларида партия вакиллари, маҳалла вакиллари ҳозир бўлиб, жараённинг шаффофлигини таъминлашга ўз хиссаларини қўшишгани алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, миссия вакиллари сўнгги йиллардаги ислохотлар натижасида хотин-қизларнинг давлат ва жамиятдаги иштироки кенгаётгани, хусусан, парламент аъзоларининг 29,8 фоизини хотин-қизлар ташкил этаётгани, шу жумладан, сайлов жараёнида ҳам хотин-қизлар яхши иштирок этганини қайд этди.

Таъкидланишича, Марказий сайлов комиссияси сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш ваколатига эга бўлиши баробарида кенг қонуний ваколатлар билан таъмин-

ланган. МСК муддат қисқалигига қарамай, сайловга тайёргарликни самарали бошқарди, қонунда белгиланган муддатларга риоя қилди. Мунтазам равишда йиғилишлар ўтказиб, сайлов жараёнининг турли жиҳатларини батафсил тартибга солиб турди. Шунингдек, МСК мажлисларида МСКга ва қўйи бўғин мурожаатлар бўйича ҳисоботлар эълон қилиб борилди. Бу эса сайлов жараёнларининг очиқлигини оширади.

Матбуот анжуманида миссия вакиллари томонидан кузатилган айрим камчиликлар ҳам айтиб ўтилди ва қатор тавсиялар берилди.

ЕХХТ ДИИХБ сайловни кузатиш миссияси ўз кузатувлари бўйича яқуний хулосаларини батафсил тақдим этишларини маълум қилди.

ЎЗА.

9 ИЮЛЬ КУНИ  
МАМЛАКАТИМИЗ-  
ДА БЎЛИБ ЎТГАН  
МУДДАТИДАН ИЛ-  
ГАРИ ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕ-  
ЗИДЕНТИ САЙЛОВИ-  
НИ 47 ТА ДАВЛАТ ВА  
15 НУФУЗЛИ ХАЛҚА-  
РО ТАШКИЛОТДАН  
ЖАМИ 797 НАФАР  
ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИ  
БЕВОСИТА КУЗАТИБ  
БОРДИ.  
ЎЗА МУХБИРЛАРИ  
УЛРАН АЙРИМЛА-  
РИНИНГ ЮРТИМИЗ-  
ДАГИ САЙЛОВ ЖАРА-  
ЁНЛАРИ ЮЗАСИДАН  
БИЛДИРГАН ФИКР-  
МУЛОҲАЗАЛАРИНИ  
ЎЗИБ ОЛДИ.



# ЎЗБЕКИСТОНДА САЙЛОВЛАРНИНГ НУФУЗИ ЙИЛДАН-ЙИЛГА ОРТИБ БОРАЁТГАНИГА ГУВОҲ БЎЛЯПМИЗ

## Фахриддин КАТАЕВ, қозоғистонлик кузатувчи:

– Ўзбекистонда бўлаётган бугунги жараён бутун Ўрта Осиё халқларини, хусусан, Қозоғистон халқини ҳам бефарқ қолдирмайпти. Пойтахтдаги бир нечта сайлов участкасида бўлдим. У ерда сайловчиларнинг келишини, кайфиятини кўриб хурсанд бўлдим. Одамлар фарзандлари, неваралари билан бирга келиб, сайловда иштирок этмоқда. Сайловчиларнинг бир-бирига илиқлиги, келажакка ишончини кўриб қувондик. Сайловга тайёргарлик ва тарғибот ишлари жуда яхши ташкил этилган. 2016 йилдан буён Ўзбекистондаги сайловларда иштирок этман. Йилдан-йилга сайловларнинг нуфузи ортаётганини кўриб, гувоҳи бўляпмиз. Хорижий кузатувчилар ҳам бу ердаги ташкиллаштириш ишларини ўзларига намуна олишяпти, ўрганишяпти. Шунини таъкидлашим керакки, Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентларининг олдида қўйилган мақсадлари иккала халқни бир-бирига яқинлаштириб, келажакдаги алоқаларимизни янада кенгайтиради, мустаҳкамлайди.

## Лин ГЕТАЛЬС, Европанинг Осиё тадқиқотлари институтининг директори:

– Ўзбекистонга қизиқишим жуда катта. Мамлакатингизга иккинчи бор келишим. Фарғона вилоятининг ўзига хос табиати, иқлими, айниқса, одамлари ва анъаналари мени лол қолдирди. Президент сайловига тайёргарлик, фуқароларнинг фаоллиги, сайлов участкаларидаги байрамона кайфият кишини хурсанд қилади. Халқ ўзи истаган номзодга овоз бермоқда. Қайси жойга борманг, соясалқин жойлар қилинган, сайловчилар учун қулай шароит яратилган. Ёши улугларнинг жажжи болажонларни қўлларидан етаклаб овоз беришга келишини кўриб, ҳайратим ошди. Жажжиларнинг сиёсий жараёнларни ўз кўзи билан кўриб улғайишида гап кўп. Чунки демократик тамойилларни ҳаётга табиқ этишда бу ўзига яраша тарбия усули ҳисобланади. Юртингизда сайловга кенг қўламли тайёргарлик кўрилган ва сиёсий ҳаётда сезиларли ўзгаришлар кузатилмоқда.

## Пракаш КЕЖРИВАЛ, сингапурлик халқаро кузатувчи:

– Илгари бир қатор давлатлардаги муҳим сиёсий жараёнларда кузатувчи сифатида иштирок этганман. Тан олиш керакки, мамлакатингизда, шу жумладан, Қашқадарёда бу жараёнга пухта тайёргарлик кўрилган. Сайлов участкаларида сайловчиларнинг эркин овоз беришлари учун барча шароит яратилган. Ҳеч қандай қонун бузилишларини кузатмадик. Одамлар кўтаринки руҳда овоз бериб, ўз фуқаролик бурчларини бажармоқда. Барча партиялар вакиллари ҳам участкаларда иштирок этмоқда. Номзодларга омад тилайман.

## Еон Ли СИ, Жанубий Кореядаги Ханкук чет тиллари университетининг Марказий Осиё халқлари тиллари кафедраси мудирини, профессор:

– Сайлов жараёнларини эрталабдан кузатиб бордим. Сайлов бошланганига икки соат ўтгандан сўнг сўраганимда айрим участкаларда 20 фоиз аҳоли овоз берган экан. Бу аҳолининг фаоллигини билдиради. Ҳақиқатан, сайлов участкаларида одамлар гавжум. Илгари ҳам Ўзбекистондаги сайловларда кузатувчи сифатида иштирок этганман. Ушанда

» Сайлов участкаларида фуқароларнинг ўз ҳуқуқидан фойдаланиши учун яратилган шароит, сайлов жараёнига тайёргарлик кўриш ва овоз берувчилар шижоатини, келажакга бефарқ эмаслигини кўриб, ҳайратландик. Сайловга тайёргарлик ишлари, жойларда ташкил этилган участкалар ҳақида Марказий сайлов комиссияси томонидан маълумотлар тақдим этилган, кузатувчиларимиз давомида фуқаролар фикрларини эшитиб, халқ ушбу сиёсий воқеаликка катта тайёргарлик кўрганга гувоҳ бўлдим.

ҳам аҳолининг фаоллиги эътиборини тортган. Жанубий Кореяда ҳам одамлар сайловга бефарқ эмас. Лекин улар унчалик ҳам фаол эмас. Одамлар гавжум бўлиб, навбат кутиб овоз бераётганини бизда учратиш қийин. Кўпинча аҳолининг 60 фоизга яқини сайловда қатнашади. Ўзбекистонда бу кўрсаткич доим 80 фоиздан кўпроқни ташкил қилиб келганига гувоҳ бўлганман.

## Чве Ён ХА, Сонмун университети профессори, Корея Республикасининг Ўзбекистондаги собиқ элчиси:

– Мен бу юртда ишлаганим ва кейинги йилларда амалга оширилган янгиланиш, ўзгаришлар жараёнларига қизиқишим юқорилиги учун ушбу сайлов жараёнларида кузатувчи сифатида қатнашишга қарор қилдим. Сайлов кампаниясининг бориши билан табиқан, овоз бериш жараёнларини кузатдим. Ҳаммаси халқаро стандартлар асосида, Ўзбекистон сайлов қонунчилигига тўла амал қилинган ҳолда ўтказилмоқда. Мен Ўзбекистонни Кореянинг яқин ҳамкор давлати, деб биламан ва юртингиздаги ислохотлар жараёнларини қўллаб-қувватлайман.

## Месут Эмре КАРАКОЗЕ, Туркиядаги “Соҳибқирон” стратегик тадқиқотлар маркази директори:

– Сайловга тайёргарлик, овоз бериш жараёнлари яхши ташкил этилибди. Бугун Ўзбекистон халқи ўзига муносиб етакчини сайлаяпти. Мен ишонман, сайлов натижаси ўзбек халқининг эртанги ёруғ келажакга хизмат қилади.

## Чишти МАК, Буёк Британиядаги “Chishty consultancy” консалтинг компанияси раҳбари:

– Аввало, Ўзбекистон Президенти сайловида халқаро кузатувчи сифатида иштирок этиш имконияти берилгани учун Марказий сайлов комиссиясига миннатдорлик билдираман. Самарқанддаги учта сайлов участкасида овоз бериш жараёнларини кузатдим. Ишлар жуда яхши ташкил этилган. Сайловчиларнинг фаоллигини алоҳида таъкидлашни истардим. Ёшлар ҳам, кексалар ҳам участкага келиб, ўз конституциявий ҳуқуқидан фойдаланмоқда.

## Мажид Рашед Абдулла МУРШЕД, Осиё Паралимпия қўмитаси президенти:

– Биз Тошкентдаги сайлов участкаларида бўлдим. У ерда фуқароларнинг овоз беришларини кузатдик. Сайлов участкалари аъзолари ва кузатувчилар фаолияти ҳам эътиборимиздан четда қолмади. Шунинг гувоҳи бўлдимки, фуқаролар ўз ҳуқуқларидан эмин-эркин фойдаланмоқда. Умуман олганда, ҳар бир фуқаро ўзи муносиб кўрган номзодга овоз беряпти.

## Картерон ЖАН-ПОЛ, швейцариялик кузатувчи:

– Ўзбекистондаги муҳим сиёсий жараёнда қатнашаётганимдан хурсандман. Шунини айтишим керакки, сўнгги 5-6 йилдан буён туб ўзгаришлар содир бўляпти. Буни халқаро ҳамжамият кўриб турибди. Ўзбекистонда ҳар хил соҳаларнинг жаҳон ҳаётига интеграция қилиниши иқтисодиётни ривожлантиришга туртки беради. Тошкентдаги кузатувчиларимдан айтиш мумкинки, сиёсий воқеалар хотиржамлик асосида ўтаяпти. Бир нечта сайлов участкаларида бўлганимда сайловчиларнинг кайфиятида кўтаринкилик ва хотиржамликни кўрдим. Уйлайманки, Ўзбекистонда бундан кейин ҳам ривожланиш давом этади. Юртингизни ривожланган давлатлар қаторида қўришимизга ишонаман ва шундай бўлиши ҳам керак.

## Тет КьяУ, Сингапурдаги “Asian Geographic Magazines” нашрининг бош директори ва бош муҳаррири:

– Ўзбекистонда аввал ҳам бўлганман. Бу каби сайловларда эса халқаро кузатувчи сифатида илк мартаба иштирок этилган. Фарғона вилоятидаги бир нечта сайлов участкаларида бўлдим. Ишлар яхши ташкил этилган. Фуқаролар ўз ҳуқуқидан эмин-эркин фойдаланяпти. Сайловчиларнинг кайфияти аъло. Сайлов шаффоф тарзда ўтказилляпти. Сайлов жараёнларини кузатиш билан бирга, вилоятдаги тарихий ва диққатга сазовор жойларни ҳам томоша қилляпман. Бу ернинг одамлари меҳнатқаш, самимий экан. Миллий хунармандчилик анъаналари, юксак одоб-ахлоқ намуналарига гувоҳ бўляпман. Кейинчалик ижодий сафар қилиб, водийга яна келиш истагим бор.

## Ремко РЕЙДИНГ, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкilotининг нидерландиялик халқаро кузатувчиси:

– Навоий вилоятида муҳим сиёсий тадбирни умумдемократик тамойилларга амал қилган ҳолда ўтказиш учун пухта тайёргарлик кўрилгани сайловга овоз бериш жараёнларида яққол намоён бўлмоқда. Айниқса, участкалар ва округда жараёнларни онлайн куза-

тиб туриш имконияти яратилгани сайловнинг очик, ошқора ва қонунчилик талаблари асосида ўтаётганидан далолат беради.

## Георгий КАЛАНДАРАШВИЛИ, Грузия Марказий сайлов комиссияси раиси:

– Сайлов участкаларида фуқароларнинг ўз ҳуқуқидан фойдаланиши учун яратилган шароит, сайлов жараёнига тайёргарлик кўриш ва овоз берувчилар шижоатини, келажакга бефарқ эмаслигини кўриб, ҳайратландик. Сайловга тайёргарлик ишлари, жойларда ташкил этилган участкалар ҳақида Марказий сайлов комиссияси томонидан маълумотлар тақдим этилган, кузатувчиларимиз давомида фуқаролар фикрларини эшитиб, халқ ушбу сиёсий воқеаликка катта тайёргарлик кўрганга гувоҳ бўлдим. Қайд этиш керак, ҳар бир сайлов участкасида энг сўнгги, илғор технологиялар жорий этилган. Куннинг биринчи қисмида бешта сайлов ҳудудида бўлдим. Конституцион ҳуқуқидан фойдаланиб, халқ манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида овоз бераётган Ўзбекистон фуқаролари билан суҳбатлашиш имкони берилди.

Марказий сайлов комиссиясида бўлиб ўтган матбуот анжуманида ҳам қатнашганим. Комиссия вакиллари томонидан республика бўйлаб ташкил этилган участкалар, шунингдек, катта ёшдаги, ногиронлиги бўлган шахсларнинг овоз бериш тартиби ва Ўзбекистонга келган халқаро кузатувчилар, ОАВ вакиллари хусусида маълумот берилди.

## Ҳусайн Аббар МИАН, “Pakistan Today” газетаси муҳбири:

– Ўзбекистонда сайлов жараёнлари очик ва шаффоф тарзда ўтказилмоқда. Сайлов участкаларида юқори даражада тайёргарлик қилинган, одамларнинг кайфияти яхши эканига гувоҳ бўлдим. Сайловчилар билан суҳбатлашиб, уларнинг фикрлари билан ҳам қизиқдим. Ҳеч бирида шикоят йўқлигига амин бўлдим. Демак, улар сайлов ҳуқуқини эмин-эркин амалга оширмоқда. Ўзбекистонда ўтаётган сайлов муҳитида дўстона кайфият сезилиб турибди. Покистонда эса сайловда иштирок этадиган партиялар сайлов кунини бир-бирига таъвоуз-корроқ муносабатда бўлишади. Ҳар бир партия сайлов кунини ҳам ўзини намоён қилишга интилиб, байроқларини баланд кўтаришга ҳаракат қилади. Бу билан сайловчиларни ўзларига қаратмоқчи бўлишади. Сўзимнинг якунида Ўзбекистон учун муҳим бўлган ушбу сиёсий жараён муваффақиятли якунланиши ва мамлакатни янги тараққиёт йўлига олиб чиқишга қодир номзод ғалаба қилишига тилакдошман.

## Томас БИЛЕК, чекиялик халқаро кузатувчи:

– Биз Шўрчидаги сайлов участкаларида бўлиб, бевосита фуқароларнинг овоз бериш жараёнларини кузатдик. Тумандаги сайлов участкалари аъзолари ва кузатувчилар фаолияти ҳам эътиборимиздан четда қолмади. Биз шунинг гувоҳи бўлдикки, сайловчилар ўз ҳуқуқидан эмин-эркин фойдаланмоқда. Умуман олганда ҳар бир сайловчи ўзи муносиб кўрган номзодга овоз бераптир. Бу жараён муҳим сиёсий тадбирнинг очик, шаффоф ўтаётганини намоён этмоқда. Қайси сайлов участкасида бормайлик, бизга кўрилган тайёргарлик ишлари ва сайловчиларга яратилган шароитлар ҳақида атрофлича маълумот берилди.



## EKSPERTLAR FIKRI

# КЕЛГУСИ ЕТТИ ЙИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРАҚҚИЁТ ВА РИВОЖЛАНИШ ДАВРИ БЎЛАДИ

ХАЛҚАРО ЭКСПЕРТЛАР «ДУНЁ» АА МУХБИРИГА БЕРГАН ИНТЕРВЬЮЛАРИДА ЖОРИЙ ЙИЛ 9 ИЮЛЬ КУНИ МАМЛАКАТИМИЗДА БЎЛИБ ЎТГАН МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ ЯКУНЛАРИ ҲАҚИДАГИ ФИКРЛАРИ БИЛАН ЎРТОҚЛАШДИ.



**Аҳмад Тарабиқ,**  
Марказий Осиё бўйича  
эксперт:

9 июль куни Ўзбекистонда муддатидан илгари Президентлик сайлови юқори даражада ўтказилди. Ушбу сайлов Ўзбекистон

жамияти ҳаётидаги энг муҳим сиёсий тadbир бўлиб, мамлакатнинг эртанги куни, ривож ва ўзбек халқининг фаровонлигини белгилаб беради. Президентлик сайловида Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси фаол иштирок этиб, ўз ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда ўзи муносиб деб билган номзодни қўллаб-қувватлагани таҳсинга сазовор.

Янгиланган Конституцияга кўра, сайловда голиб бўлган номзод кейинги 7 йил давомида Президентлик қилади. Ишонманки, келгуси етти йиллик Ўзбекистонда тараққиёт ва ривожланиш даври бўлади, мамлакат халқаро майдонда ўз нуфузи ва обрўсини янада мустаҳкамлайди. Ўзбекистонга бир неча бор ташриф буюрганман.

Жумладан, 2014 йилги парламент сайлови, 2016 йилги Президент сайловида Мисрдан халқаро кузатувчи сифатида қатнашганман. Ушбу сайловларга демократик тамойилларга хос тайёргарлик кўрилгани, тadbирлар халқаро нормалар ва стандартлар асосида ўтказилгани, ёшлар, нурунийлар, жамиятдаги барча қатлам вакиллари овоз беришда фаол иштирок этганига гувоҳ бўлганман.

9 июль куни бўлиб ўтган сайловда ўзбек халқи муносиб номзодга овоз берди ҳамда ушбу номзод ўзига билдирилган ишончни тўлиқ оқлашига аминман. Мисрга дўст ҳисобланган Ўзбекистоннинг янада равнақ топиши ва гуллаб-яшнашига тилакдошман.



**Азҳар Бин Азизан,**  
Малайзия парламенти  
Вакиллар палатасининг  
собик спикери ва  
Малайзия сайлов  
комиссиясининг собик  
раиси:

– Менга Ўзбекистонда муҳим демократик жараёни Президент сайловини кузатишдек берилган шараф учун миннатдорлик билдирмоқчиман.

Бу менинг мамлакатингизга биринчи ташрифим. Мен жуда кўп таассуротлар орттирдим. Ўз вазирамга келсак, айтишим мумкинки, овоз бериш жараёни муаммосиз ўтмоқда, мен миллий сайлов қонунчилиги ва халқаро демократик меъёрларга номувофиқлик ҳолатларини кузатмадим.

Сайлов участкаларида фуқароларнинг ўз сайлов ҳуқуқларини тўлиқ амалга оширишлари учун барча шароитлар яратилган. Ўзбекистон Марказий сайлов комиссиясини ушбу сайловнинг яхши ташкил этилгани билан табриқлайман.

## ЭРОННИНГ ЕТАКЧИ ГАЗЕТАСИДА ЯҚИНДА БЎЛИБ ЎТГАН МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИГА БАҒИШЛАНГАН МАҚОЛА ЧОП ЭТИЛДИ

Эроннинг етакчи босма нашрларидан бири «Iran Daily» газетасида «Ўзбекистонлик сайловчилар Президент сайловида овоз бердилар» сарлавҳали мақола чоп этилди.

Мазкур газета мухбири Мухаммадризо Абеш Аҳмадлу қаламига мансуб мақолада мамлакатимизда яқинда бўлиб ўтган муддатидан илгари Ўзбекистон Президенти сайлови жараёнлари қаламга олинган.

«Якшанба куни Ўзбекистон сайловчилари 10784 та сайлов участкаларида ушбу Марказий Осиё мамлакатининг Президенти сайловида овоз беришди. Сайловчилар 28 июндан 5 июлга қадар муддатидан илгари овоз бериш жараёнида ҳам иштирок этишган», – қайд этилади манбада.

Навр Ўзбекистон Марказий сайлов комиссияси маълумотига асосланиб, Президент сайловида овоз бериш учун 19 миллион 593 минг 838 нафар сайловчи рўйхатга олинганини маълум қилган.

Муаллиф Ўзбекистоннинг Эрондаги элчихонаси ҳузурда тузилган 55-сайлов участкасида ҳам ушбу мамлакатда бўлиб турган Ўзбекистон фуқаролари ўзларининг конституциявий ҳуқуқларини эмин-эркин адо этаётганликларини алоҳида таъкидлаган.

Унинг ёзишича, муддатидан илгари Президент сайловини ўтказиш амалдаги давлат раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан жорий йил 8 май куни янгиланган Конституцияни қабул қилиш бўйича референдум яқунларига бағишланган учрашувда эълон қилинган эди.

«Ўзбекистон Президенти фармонига мувофиқ, янгиланган Конституциянинг 110 ва 128-моддалари ҳамда Ўзбекистон Сайлов кодексининг 66-моддасига асосан 2023 йил 9 июль кунига муддатидан илгари Ўзбекистон Президенти сайлови тайинланган, – деб қайд этади нашр. – Ушбу сайлов янгилаган Конституция кучга киргандан буюн мамлакатдаги илк Президентлик сайлови бўлди. Янги тахрирдаги Конституцияга кўра, Ўзбекистоннинг Президенти мамлакат фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан етти йил муддатга сайланади».

«Iran Daily» сайловда Халқ демократик партияси номзоди Улуғбек Иноятов, Либерал-демократик партияси номзоди, амалдаги Президент Шавкат Мирзиёев, «Адолат» социал-демократик партияси номзоди Робохон Маҳмудов ва «Экологик» партияси номзоди Абдушуккур Ҳамзаев иштирок этаётганини таъкидлаган. «Ўз навбатида, муддатидан илгари сайловда «Миллий тикланиш» демократик партияси ўз ЛиДепДан кўрсатилган Шавкат Мирзиёев номзодини қўллаб-қувватлади», деб ёзади Эрон газетаси.

«Дунё» АА



**Фатима Бадавий,**  
«Ахбар ал-Йаум»  
газетаси  
мухбири:

– Ўзбекистон ва бошқа хорижий давлатлардаги йирик сиёсий тadbирларни, хусусан сайловларни ёритишда бир неча мартаба иштирок этганман.

Бу сафар Ўзбекистоннинг Қоҳирадаги элчихонасига ўз ташаббусимга кўра келиб, сайлов жараёнини кузатдим.

Таъкидлаш жоизки, мени нафақат Ўзбекистон ҳудудидаги, балки ўз юртидан олисдаги ўзбекларнинг мазкур сайловдаги фаоллиги

ўзига тортди.

Юртдошларингиз ўз келажига ва ватани тақдирини бефарқ эмаслигини алоҳида урғулаш лозим. Зеро, мамлакат ривожининг халқи фаоллиги ва интилишларига боғлиқ.

Шунингдек, мамлакат раҳбарияти Ўзбекистоннинг хориждаги фуқаролари ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш учун ўз дипломатик ваколатхоналари ҳузурда барча имкониятларни муҳайё қилганини ҳам қайд этиш муҳим.

Сўнги йилларда Ўзбекистонда барча соҳаларда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар, конституциявий ўзгаришлар ҳамда аҳолининг сиёсий фаоллиги ошаётгани ҳам мазкур сайлов нечоғли долзарблигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон халқига улкан ислохотларни давом эттириш учун шижоат янада мустаҳкамланишини тилаб қоламан.

# ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИГА МОС

## Парламент қўйи палатасидаги ЎзХДП фракцияси қонун лойиҳалари бўйича хулосасини билдирди

**ПАРЛАМЕНТ ҚЎЙИ ПАЛАТАСИДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ФРАКЦИЯЛАРИДА ФАОЛИЯТ ТОБОРА ЎЗИГА ХОС ВА ҚИЗГИН ТУС ОЛМОҚДА. ЖУМЛАДАН, ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ФРАКЦИЯСИНING НАВБАТДАГИ ЙИГИЛИШИДА БИР НЕЧТА МАСАЛАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ.**

Даставвал йиғилишда «Солиқни ҳисоблаб чиқариш тартибининг айрим қоидалари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама қилинди.

Солиқ тўғрисидаги қонунчиликни янада соддалаштириш, солиқ маъмурчилигининг янги ҳамда самарали воситаларини жорий этиш, тadbиркорлик субъектларига солиқ юкини камайитириш бўйича чора-tadbирлар амалга оширилмоқда.

Лойиҳа ташаббускорларининг айтишича, қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг айрим нормаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда. Хусусан, тadbиркорлик фаолиятини шароити «огир» туманларда амалга ошираётган тadbиркорлар, электротехника тармоғи корхоналарининг ихтисослаштирилган марказлари учун мол-мулк, ер, айланмадан олиндирилган солиқ турлари бўйича қатор имтиёзлар бериш назарда тутилмоқда.

Шу билан бирга, бюджет ташкилотларига ижарага берилган ер участкаларидан солиқ ундириш, ижарага берувчи ёки ижарага олувчи томонидан ер солигини тўлаш, фой-



даланилмаётган бинолар, ишлаб чиқариш майдонлари ва ер участкаларига нисбатан тегишли солиқларнинг оширилган ставкаларини қўллаш тартибларини аниқлаштирувчи ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Қонун лойиҳасида белгиланаётган нормаларни атрофлича кўриб чиққан ЎзХДП фракцияси аъзолари лойиҳани иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида депутатлар томонидан берилган таклифлар эътиборга олингани, лойиҳа ҳар томонлама пишиқ-пухта ҳолатга келтирилганини эътироф этишди.

Кун тартибидagi навбатдаги масала «Қай-

та тикланувчи энергия манбаларини жорий этишни жаддалаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан атрофлича кўриб чиқилди.

Бугунги кунда нафақат юртимизда, балки бутун дунёда қайта тикланувчи энергия манбаларига долзарб масала сифатида қаралмоқда.

Энергия самарадорлигини ошириш ҳисобига ҳудудларда энергия тақчиллигини бар-

тарф этиш, қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этишни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, шунингдек, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида кўп қаватли ишлаб чиқариш биноларини қуришни кенгайтиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бундай ислохотларни изчил давом эттириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларини қўллаб-қувватлаш зарурияти юзага келиди.

Қонун билан қайта тикланувчи энергия манбаларини ўрнатган жисмоний ва юридик шахсларни мол-мулк, ер ҳамда юридик шахслар томонидан умумий тармоққа реализация қилинган электр энергияси учун олинган фойдадан ҳисобланадиган фойда солиқларини тўлашдан озод этиш белгиланмоқда. Қолаверса, тadbиркорлик субъектлари янги қурилган кўп қаватли ишлаб чиқариш бинолари бўйича қаватлар ҳисобга олиниб, па-сайтирувчи коэффициентда мол-мулк солиғи тўлаши назарда тутилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, мазкур қонун қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш ҳамда ривожлантириш учун аҳоли ва тadbиркорларга қулай солиқ имтиёзларини беришга хизмат қилади.

Албатта, киритилаётган бундай ўзгаришлар солиқ тизимини такомиллаштиришга, бизнес муҳитини янада яхшилашга, аҳоли фаровонлигига хизмат қилади.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасининг ижтимоий-иқтисодий муҳимлиги, айниқса, партия электорати ҳуқуқ ва манфаатларига мос келишини таъкидлаб, бир овоздан маъқуллади.

**Аҳмад ҚУРБОНОВ,**  
«Ўзбекистон овози» мухбири.



ОТА-ОНА, ОИЛА, ЯҚИНЛАР МЕХРИДАН БЕБАХРА, ҚАРОВЧИСИ ЙЎҚ БОЛАНИНГ БОШИ НЕ БИР ТОШУ ДЕВОРЛАРГА ТЕГМАЙДИ. ҲАР ХИЛ КУТИЛМАГАН ҲОЛАТЛАР ВА САБАБЛАР БИЛАН БАЪЗИ БОЛАЛАР МЕХРСИЗ ҚОЛАДИ. УЛАРНИ ЁЛГИЗ, ҚАРОВСИЗ ҚОЛДИРМАСЛИК, ТЎҒРИ ТАРБИЯЛАБ ВОЯГА ЕТКАЗИШ ЖУДА МУРАККАБ ВАЗИФА. БИЛГАНЛАР БИЛАДИ, БУ БОРАДА ЧИГАЛ МУАММОЛАР ЙИГИЛИБ ҚОЛГАНДИ, УЛАРНИ ҲЕЧ ҚАЧОН ЕЧИБ БЎЛМАЙДИГАНДЕК ТУЮЛАРДИ. ХУСУСАН, МЕХРИБОНЛИК УЙЛАРИ БИТИРУВЧИЛАРИНИ УЙ-ЖОЙ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАСИДА ҚАНЧА ҚИЙИНЧИЛИКЛАРГА ДУЧ КЕЛИНМАГАН. МУСТАҚИЛ ҲАЁТИНИ ИЗГА СОЛИШ, ҲАЁТДА ЎЗ ЎРНИНИ ТОПИШ БИР ЁҚДА ТУРСИН, ИДОРАМА-ИДОРА ЮРИБ, БИРОН СОАТ ХОТИРЖАМ ОРОМ ОЛАДИГАН ЖОЙИ БЎЛМАГАН ЁШЛАР НЕ КЎЙЛАРГА ТУШМАГАН, ДЕЙСИЗ. МЕХР-МУҲАББАТ БИЛАН ҲАР ҚАНДАЙ МУАММОНИ ХАЛ ҚИЛСА БЎЛАДИ. ОТА-ОНА, ЯҚИНЛАРИ ҚАРМОҒИСИЗ ҚОЛГАН БОЛАЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВАТЛАШГА ЭЪТИБОР КУЧАЙГАНИНИ УЛАРНИНГ ЎЗИ СЕЗА БОШЛАДИ. МЕХРИБОНЛИК УЙЛАРИДАГИ БОЛАЛАР ОИЛА МУҲИТИДА ЎСИБ-УЛҒАЙИШИ УЧУН ШАРОИТ ВА ИМКОНИАТ ЯРАТИШ БЎЙИЧА ЯНГИ ИМКОНИАТЛАР ИШГА СОЛИНДИ.



# МЕХР КЎРГАНЛАР

2021 йил август ойида "Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялашнинг тубдан янгиланган тизimini жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони қабул қилинди.

Унда етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг баркамол авлод сифатида шаклланиши ҳамда ижтимоий мослашувини таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича қатор вазифалар кўзда тутилган.

800 нафар йигит-қиз. Бу бугунга келиб тўлиқ оилалар бағрида камолга етатиладиган Меҳрибонлик уйларидаги собиқ тарбияланувчилари сони. 211 нафар битирувчи олий ҳамда ўрта-махсус таълим муассасаларида тахсил оляпти. Айна пайтга қадар 144 та оилавий болалар уйлари ташкил этилиб, болалар ота-она меҳридан баҳраманд бўлмоқда.

Етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ўз бағрига олган муассасаларнинг тарбияланувчилари билан ишлашнинг янги чизи тизими яратилди. Оила муҳитига олиб кириш, ота-она олдидидаги масъулият, опа-сингил, ака-ўка ўртасидидаги муносабатларни ўргатиш, меҳр бериш асосий эзгу мақсадидир.

Болаларнинг ижтимоий ҳимояси, бандлигини таъминлаш борасида ишларни аниқ ва манзилли йўлга қўйиш ҳам кўзда тутилган. Яна бир муҳим масала эса Меҳрибонлик уйлари битирувчиларини уй-жой билан таъминлашдир.

Қандай одам бахтли одам, деган саволга кўпчилик ҳаловати бор инсон, деб жавоб беради. Халқимиз учун эса ҳаловат тушунчаси бевосита ўз бошпанасига эга бўлиш билан тавсифланади. Шу сабабли аҳолини уй-жой билан таъминлаш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан биридир. Миллий гвардия ва маҳаллий ҳокимликлар вакилларида иборат ишчи гуруҳ томонидан республика бўйича жорий қилинган янги тизим доирасида ёшларнинг турмуш шароити чуқур ўрганилди.

Маълумотларга кўра, Меҳрибонлик уйларидаги собиқ битирувчиларидан 248 нафари ҳануз сарсон-саргардон бўлиб юрган. Уларнинг аксарияти яшаш учун мўлжалланмаган, ҳаёти учун хавф туғдирадиган, санитария-гигиена талабларига жавоб бермайдиган жойларда яшаб келаётгани аниқланган. Шакллантирилган рўйхат асосида уларни бошпана билан таъминлаш, орзуларини амалга ошириш режалаштирилди.

Янги ижтимоий тизим – "Меҳр дафтари" платформаси жорий қилинди. 2023-2024 йилларда бошпанасиз собиқ битирувчиларни уй-жой билан таъминлаш режа-дастури белгиланди.

Саъй-ҳаракатларнинг натижаси қандай? Олдинги битирувчиларнинг ҳаёти изга тушдими? Кўнгли тўлаётими?

Ҳар бир иш босқичма-босқич амалга ошириляпти. Хусусан, белгиланган режа-дастурига асосан жорий йилда турар жой билан таъминланиши кўзда тутилган 131 нафар йигит-қиздан 60 нафари уйли бўлгани ҳақида маълумот берилган.

Эътиборлиси, нафақат бу йилги битирувчилар, балки бир неча йил илгари Меҳрибонлик уйдан "учирма" қилинган, аммо уй олиш насиб этмаганлар ҳам аниқланиб, уларнинг бир умрлик масаласи ҳал қилиб берилляпти. Хусусан, Тошкент вилояти Оҳангарон шаҳрида бир неча йил илгари Меҳрибонлик уйини битириб, ханузгача турар жойга эга бўлмаган 2 нафар қиз янги ва замонавий хонадонда яшай бошлади.

Бугун ўз бошпанасига эга бўлиш бахтини ҳис қилаётган муассаса битирувчилари ҳамда собиқ тарбияланувчиларнинг ўз айтар сўзлари бор экан.

## Азиза ҚАЮМОВА:

— 1993 йилда Тошкент туманида туғилганман, Меҳрибонлик уйи собиқ битирувчисиман. Аввалга тиббиёт коллежида ўқидим. Кейинроқ ўзимнинг доимий рўйхатда турган ҳудудимдаги юридик коллежга кўчиришди. Ўша ерда икки йил тахсил олдим. Битирганимдан кейин оила қурдим. Бизга ажратилган ётоқхонада яшай бошладик. Аммо у ерда шароит оғир эди. Кейинроқ бизга муסיқага ихтисослашган кечки мактаб бўлган жойдан хона ажратилди.

Турмуш ўртоғим ичкиликка берилиб кетди. Ётоқхонадаги шароит оғир бўлишига қарамай, ижрага чиқишга имкон қилолмадик. Турмуш ўртоғим бизни ташлаб кетди. 3 нафар фарзандим билан сарсон юрдим. Таниш-билишларникида жон сақлаган кунларим кўп бўлган. Бу йилги кишининг қаттиғида совуқда жуда қийналдик. Узоқ қариндошимдан ёрдам сўрадим. Болаларим билан ошхона қисмида яшаб турдик.

Оғир вазиятда қолганимда, бошимни қайси деворга уришни билмай турганимда Миллий гвардия ходимлари менга алоқага чиқди ва уй берилишини айтишди. Тўғриси, ишонмадим. Навбатдаги ваъда, деб ўйладим. Чунки бунга қадар жуда кўп жойга ва жуда кўп мурожаат қилганман. Афсуски, натижасиз бўлган.

Ҳаттоки, ҳужжатларимни тайёрлаш асносида ҳам уй олишимга кўзим етмади. Керакли расмий ишлар ниҳоясига етгач, бир неча кун ҳеч ким бирор хабар айтмади. Шу орада бутунлай тушкунликка тушдим. Аммо бекор экан. Уйнинг қалитини топшириш учун келганларида йиғидан ўзимни тўхтата олмадим. Буни тушунтириб бериш имконсиз. 3 бола билан йиллар давомида сарсон бўлган оналаргина менинг қувончимни ҳис қила олса керак.

Ҳозир ўзимга мосроқ иш қидиряпман. Миллий гвардия ходимлари, маҳалла ва бошқа бағрикенг инсонлардан миннатдорман. Ташлаб қўйишмади. Тез-тез хабар олиб туришибди. Уйлайманки, тез орада ишга жойлашиб, рўзғор юқини ўз зиммамга оламан.

## Гўзал ШАРИПОВА:

— Ёшим 26 да, Меҳрибонлик уйида тарбияланганман. Айна пайтда уч нафар фарзандимнинг тарбияси билан шуғулланяпман. Кичик фарзандимнинг парвариши билан бандлигим учун вақтинча ишсизман.

Бир она нимани истаиди, буни ҳамма билса керак. Табиийки, болаларини яхши шароитларда катта қилишни хоҳлайди. Улар ўзидан кўра яхшироқ яшаши учун ҳаракат қилади. Афсуски, ёлғиз онанинг кўлидан кўп нарса келмас экан. Айниқса, болалари вояга етмаган бўлса.

Уй берилишини эшитиб, нахотки, менинг ҳам орзуларим ушалса, нахотки, болаларим билан уқубатлардан халос бўлсак, деб ўйлай бошладим. Лекин уйнинг қалити топширилмагунга қадар бунга ишонмай қийин эди. Чунки кўп марта мурожаатларим жавобсиз қолган.

Биз учун ажратилган ётоқхонанинг аҳоли оғир эди. Ювиниш хонаси йўқ. Ошхона ва хожатхона умумий тартибда эди. Қишда совуқда, ёзда иссиқдан қийналганмиз. Энди буларнинг барчаси ордга қолди.

Яхшироқ уйда яшашни хаёл қилиб юрганимда барча жиҳозлар билан таъминланган, топ-тоза, янги таъмирдан чиққан уй беришди. Бу йил мен учун энг унутилмас ва бахтли йил бўлди. Илк она бўлганимда қанчалар қувонган бўлсам, шундай бетакрор ҳис билан ўз уйимга кўчиб ўтдим.

## Лития АНТОНОВА:

— 2013 йил Меҳрибонлик уйини битирганман. Шу пайтгача бошпанасиз жуда қийналдик. Ижара уйларида яшаб юридик, нарх-наво ошиб кетганидан кейин қурбимиз етмай қолди. Қарерда жон сақлаш мумкин бўлса, ўша ерда қолишимизга тўғри келди. Уй берилишига умид ҳам қилмай қўйгандим.

Уч нафар фарзандимни ёлғиз тарбиялаб келяпман. Ёлғиз аёлга буни бажариш нақадар қийин эканини айтмасам ҳам, тасаввур қилиш қийин эмас, менимча.

Рўйхатга олинганимдан кейин ҳам, у қадар ишонмагандим. Лекин бугун жуда ҳам хурсандман. Ҳамма шароити бор, таъмирланган уй беришди. Ҳеч қандай харажат қилмадик. Уйга илк кирганимдаги ҳисларимни тушунтириб беролмайман. Энг катта орзуим ушалди.

## Венера САЛАМАТЧЕНКОВА:

— 10 йилдан буён ижарама-ижара сарсон эдик. Тўғриси, ижара ҳақини тўласак, томоғимизга, томоғимизга сарфласак, устимизга қийналиб қолардик. Хуллас, топган пули-

мизни тирикчиликка аранг етказар эдик. Бир ёшли қизим бор. Чақалоқ билан харажатлар ҳам, қийинчиликлар ҳам ошди. Мана, орзуимиз ушалиб, квартира берилди. Одамнинг ўз уйи бўлишидан ҳам ортиқроқ ҳаловат йўқ, менимча. Бизни унутиб юбормаган масъуллардан миннатдормиз.

## Азизхўжа АКРОМОВ:

— Қўқон шаҳридаги Меҳрибонлик уйида улғайганман. У ерни битиргач, мустақил яшай бошладим. Қийинчиликларни кўлимдан келганича енгиб келяпман. Ҳозир 29 ёшдаман. Оила қуриб, фарзандли бўлиш истагимни амалга оширолмадим. Сабаби, ўз уйим йўқ эди. Бошпанасиз одам оиласи ва фарзандларига нима ҳам бера оларди, деган тушунча билан буни ортга суриб келаётган эдим.

Биласизми, яшаш шароитимизни ўрганиб, бунинг сабаби уй берилиши эканини айтишганида ишонмаган эдим. Чунки бунга ўхшаш ҳолатлар аввал ҳам бўлган ва ҳар сафар умидсиз жавоблар билан юзма-юз бўлишимга тўғри келган. Мана, қутулмаган бир паллада уй беришди. Бунинг қувонганини тушунтириб бера олмаيمان. Энди мен ҳам ҳамма қатори оила қуриб, фарзандлар тарбияси билан шуғулланаман.

## Акmal ИКРОМОВ, Миллий гвардия марказий девони мутахассиси:

— Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори бўйича 18 ёшга тўлган Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси уй билан таъминланиши кўзда тутилган.

Уй ололмай қолган ёки яшаш шароити оғир ҳолда бўлган собиқ битирувчилар аниқланди. Урганишлар давомида аниқланган фуқароларнинг 131 нафарига жорий йилда уй топшириш режалаштирилган. Айна пайтда 60 та уй эгаларига берилди. Қолгани шу йил декабрь охирига қадар якунига етказилади.

Қонунчилик меъёрига кўра, 18 ёшга тўлган битирувчиларга берилган уйлар уларнинг номига ўтказиб берилади. Фақат 30 ёшга тўлгач, сотиш ҳуқуқи билан тўлиқ расмийлаштирилади. Собиқ битирувчиларга эса уйлар тўлиқ ўзларининг номига расмийлаштирилган ҳолда топширилмоқда.

Уйларнинг ҳажмига келадиган бўлса, ҳар бир чин етим болага 25 квадрат метрдан кам бўлмаган катталикидаги квартиралар топширилади. Агар икки нафар ана шундай шахс оила қурса, 50 квадрат метрдан кам бўлмаган уйлар топширилади.

Бундай қийин, лекин олийжаноб ишларни бошлаш учун катта ва меҳрибон қалб керак. Масъулларни меҳр ва масъулият асло тарк этмасин.

## Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА, "Ўзбекистон овози" муҳбири:





## TADBIR

## «ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК»

## ХАЛҚАРО

## ҲАМКОРЛИК САРИ



ПОЙТАХТИМИЗДА БЎЛИБ ЎТГАН “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ТАРАҚҚИЁТ, ИННОВАЦИЯ ВА МАЪРИФАТ” МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО ШЕРИКЛИК ТАШАББУСЛАРИ ҲАФТАЛИГИ ДОИРАСИДА НУАТТ REGENCY TASHKENT МЕХМОНХОНАСИДА АТБ “ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК”ДА ТРАНСФОРМАЦИЯ: ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФА ВА ЯНГИ ДАВР” МАВЗУИДА ТАҚДИМОТ ТАДБИРИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ. УНДА БАНК БОШҚАРУВИ РАЎБАРИЯТИ ВА БАНКНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛМАЛАРИ МАСЪЎЛ ХОДИМЛАРИ, МАҲАЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТИШДИ.

Асосий мақсад хорижий банклар ва инвесторлар билан икки томонлама ҳамкорликни мустақамлаш учун амалий майдон яратиш, Янги Ўзбекистоннинг инвестициявий жозибдорлигини, унинг салоҳиятини, бизнес ва инвестициялар учун янги имкониятларини намойиш этишдан иборат бўлди.

Шунингдек, тадбирда республикада банк тизими ривожланиш жараёнида АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” фаолият босқичлари, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий-гуманитар соҳаларга қўшаётган муносиб ҳиссаси, асосий ўзгариш ва янгиланишларга бағишланган тақдироти ҳам ташкил этилди. Аҳамиятли жиҳати, халқаро Fitch Rating ва Moody's кредит агентликлари АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” рейтингини Ўзбекистон Республикасининг суверен рейтингини билан бир хил даражада тасдиқлади.

Ҳозирда банкда 43 та банк хизматлари офислари, 60 та банк хизматлари марказлари, 129 та валюта айирбошлаш шохобчалари, 81 халқаро пул ўтказмалари марказлари ва 334 та банкоматлар орқали мижозларга хизмат кўрсатиб келинмоқда. Банк томонидан гендер сиёсати қабул қилинган бўлиб, бугунги кунда аёлларнинг улуши банк ходимларининг 40 фоизига етди. Ходимларнинг умумий сони 2023 фискал йили якунига кўра, 2740 нафарга етди, шундан 502 нафари 30 ёшгача бўлган ходимлардир.

Бугунги кунда банк томонидан 1 566 296 нафар мижозга хизмат кўрсатилмоқда. Шундан 1 501 273 нафари чакана мижозлар ва 32 784 нафари юридик шахсдир. Бундан ташқари, банк халқаро молия институтлари билан алоқаларни мустақамламоқда, халқаро ҳамкорлар доирасини кенгайтириш борасида фаол иш олиб бормоқда.

– Банкмизининг 2020-2024 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегияси ва уни амалга ошириш йўл хариталари халқаро консалтинг компанияси PwC билан биргаликда ишлаб чиқилиб, банк кенгаши томонидан 2020 йилда тасдиқланганди, – дейди АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” бошқарув раиси ўринбосари Санжар Олимжонов. – Шу билан бирга, банкмиз стратегиясини амалга оширишда қуйидаги ташқи консультантлар билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Жумладан, Осиё тараққиёт банки, PwC, Egnst&Young консалтинг компанияси билан трансформация жараёнлари амалга оширилган ва DELOITTE халқаро ташкилотлар билан лойиҳалар қилинган. Ўз навбатида, банкнинг QUANT мобил иловаси орқали 145000 дан ортиқ мижозлар 1 265 000 транзакцияларни бажарган ва 1.1 триллион сўмдан ортиқ айланмалар амалга оширилган.

Бундан ташқари, мижозлар талабларини ўрганган ҳолда, банкнинг янги мобил иловаси ишлаб чиқилди ва бун-

да контактсиз тўловларни амалга ошириш, онлайн омонатлар, банкоматлардан пластик картасиз нақд пул олиш ва бошқа бир қатор қўшимча имкониятлар яратилди. Шунингдек, смартфонлардан NFC, QR-Code орқали савдо терминали ва тўлов карта сифатида фойдаланиш ва бошқа бир қатор платформалар яратилди.

Замонавий ахборот технологияларни жорий қилиш юзасидан мижозлар билан муносабатларни бошқариш (CRM) лойиҳаси, маълумотларни таҳлил қилиш ва бошқариш (DWH, BI) тизимини яратиш лойиҳалари бошланди. Банкда қисқа рақамли (1254) контакт марказ ташкил этилди ва бугунги кунда ўртача бир кунда 1000 тагача қўнғироқларга сифатли хизмат кўрсатилмоқда.

Авваллари банк томонидан тақлиф этилаётган ҳар бир маҳсулотларга алоҳида хоналарда хизмат кўрсатилади эди. Бу эса мижозларга нуқулэй бўлиб, хонама-хона юриш ёки бир маҳсулотга навбатларнинг қўпайиб кетиши юзга келарди. Ҳозир эса банк мижозларига бинонинг биринчи қаватида барча хизматларга бир жойнинг ўзида хизмат кўрсатилишига ўзгартирилди. Бунда мижозларга хизмат кўрсатиш менежерлари универсаллаштирилди. Мижозлар учун кутиш заллари ташкил этилди ва электрон навбатлар ўрнатилди. Банк хизмат кўрсатиш марказларида мослашувчан иш вақти режими жорий қилинди. Яъни, универсал менежерлар ва чакана касса ходимлари узлуксиз равишда (тушлик вақтисиз 8.00 дан 18.00гача) жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиши йўлга қўйилди.

Шунингдек, тадбирда келгусида амалга ошириш кўзда тутилаётган режалар тўғрисида ҳам маълумот берилди. Хусусан, 2024 йил 31 декабрда туғайдиган молия йили якуни бўйича банк хизматлари офислари ва марказлари сонини 104 тайдан 150 тага қўпайтириш режалаштирилгани маълум қилинди.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,**  
**“Ўзбекистон овози” мухбири.**

## Нега иссиқ кунларда муздек сув ичиш

## МУМКИН ЭМАС?

Ёзининг жазирама кунларида кўпчилик муздек сув ичиш билан ўз чанқоғини қондиришга ҳаракат қилади.

Хўш, бу қанчалик тўғри? Ушбу саволга олий тоифали шифокор Ҳилола Жамилова жавоб берди.

– Кўпчиликнинг фикрича, иссиқ ҳавода муздек сув ичиш чанқоқни қондириб, организмни тез совутади. Бироқ бу нотўғри, – дейди мутахассис. – Чунки жазирама пайти тана ўзини табиий совутиши натижасида кўп терлайди.

Совуқ сув ичганда эса организм уни иситишга мажбур бўлиб, икки ҳисса кўп энергия сарфлайди. Оқибатда тана совуш ўрнига янада қийин. Бу эса организм учун стрессдир.

Қолаверса, жазирама кунлари муздек сув ичиш кўплаб касалликларга сабаб бўлиши мумкин. Биринчи галда совуқ

ичимлик овқат ҳазм қилиш тизимига салбий таъсир этади.

Маълум бўлишича, паст ҳароратли сув истеъмол қилиш қон томирларини торайтириб, спазм ҳосил қилади ва организмда овқатнинг қайта ишлаш жараёнларини секинлаштиради.

Айниқса, совуқ сув ёғли таомлар билан бирга ичилганда ёғнинг организмга сўрилиши қийинлашади. Бу эса саломатлик учун анчагина хавфли.

Шунингдек, паст ҳароратли ичимлик танада овқат ҳазм қилиш учун зарур бўлган ферментлар ишлаб чиқарилишини блоклай, иммунитетни пасайтиради. Бундан ташқари, шамоллаш, ангина ва бурун-халқум йўлининг бошқа касалликларига сабаб бўлиши мумкин.

Ақсинча, жазирама ҳаво-

да илиқ ёки хона ҳароратида бўлган суюқлик ичиш тавсия қилинади. Хусусан, 36-37 даражали оддий сув организмда метаболизм ва ичак фаолиятини яхшилаб, қондаги холестерин миқдорини пасайтиради ҳамда танадан токсинларни ҳайдайди.

Қолаверса, бундай ичимлик чанқоқни тез қондириб, танадаги терморегуляцияни рағбатлантиради. Натижада иссиқ ҳавода организм тезроқ совийди.

Шу билан бирга, илиқ сув танадаги сув-туз балансини меъёрлаштиради.

Бунинг учун кунига ўртача 2-3 литр илиқ суюқлик

(кўк чой, газсиз минерал сув) ичиш тавсия этилади.

Бундан ташқари, чанқоқ пайти яшил ёки ўсимлик чойлари (ромашка, ялпиз ва бошқалар), қорағат, олча, олхўри каби нордон мевалардан тайёрланган шарбатлар, айрон, кефир ичиш жуда фойдали. Сабаби, улар орқали организмга минерал моддалар ва витаминлар кириб боради.

Жазирамада газланган, энергетик ва алкоголь ичимликлар, қаҳва истеъмол қилиш мумкин эмас.

**Соғлиқни сақлаш вазирлиги**  
**Матбуот хизмати.**



## БИЛАСИЗМИ?

## АЙРИМ ХОДИМЛАРГА УЙ-ЖОЙ ИЖАРАСИ

Учун ҳар ойлик пул компенсациясидан даромад солиғи ундирилмайди

Қонунчиликка кўра, қуйидагиларга тўланадиган бошланғич ёрдам пулидан ҳамда уй-жой ижараси учун ҳар ойлик пул компенсациясидан даромад солиғи ундирилмайди:


- олис, бориш қийин ҳудудлардаги бюджет бакалавриат ёки магистратурани тамомлагандан 3 йилда ишга қабул қилинган ходимларга;
- олис ва бориш қийин ҳудудлардаги шифокорлик пунктлари ва поликлиникаларга, таълим муассасаларига ишга кирган, бошқа ҳудудларда яшайдиган олий маълумотли шифокорларга ва мутахассисларга.



Ўзига зарур сифатга эга бўлмаган товар сотилган харидор, агар нуқсонлар сотувчи томонидан айтилмаган бўлса, ўзининг танлашига кўра сотувчидан (озик-овқат товарларига нисбатан харидор харид қилингандан кейин 24 соат мобайнида бундай ҳуқуққа эга бўлади) қуйидагилардан бирини талаб этишга ҳақли:

- айнан шундай маркадаги (модел, артикулдаги) товарга алмаштиришни;
- харид нархини тегишли равишда қайта ҳисоб-китоб қилган ҳолда бошқа марка (модел, артикул)даги айнан шундай товарга алмаштиришни;
- харид нархи мутаносиб равишда қамайтирилишини;
- товарнинг нуқсонлари дарҳол бепул бартараф этилишини;
- товарнинг нуқсонларини бартараф этиш харажатлари қопланишини.


Бундан харидор зарур сифатга эга бўлмаган товар сотилганиги оқибатида ўзига етказилган зарар тўлиқ қопланишини талаб қилишга ҳақлидир.



Жиноят кодексига кўра, транспорт воситасини олиб қочиш 5 йилдан 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Шунингдек, транспорт воситасини талон-торож қилиш мақсадида ўғрилик ёки талончилик йўли билан содир этилган бўлса, 10 йилдан 15 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Бундан таршқари, транспорт воситасини талон-торож қилиш мақсадида босқинчилик йўли билан содир этилган бўлса, 15 йилдан 20 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.



Қонунчиликка кўра:

- боқувчисини йўқотган хотин-қизларнинг;
- фарзандлари давлат боғчаларига тўланадиган ота-оналар бадалидан озод қилинади;
- 3 ёшгача фарзандлари учун нодавлат боғчаларга бюджетдан субсидиялар ажратилади.
- тўлиқ қувват билан ишламаётган давлат боғчаларига 2 ёшдан 3 ёшгача болаларни пуллик хизмат кўрсатиш шаклида қабул қилишга руҳсат берилади;
- кечки сменада хотин-қизлар ишлайдиган корхона ва ташкилотлар ўз ҳузуринида бош ташкил қилганда, улардаги тарбиячиларнинг иш ҳақи бюджетдан қоплаб берилади.



Электр ва иссиқлик энергиясини беҳуда сарфлаш, яъни электр двигателларидан, электр печлари ва бошқа электр ҳамда иссиқлик ускуналаридан мунтазам равишда, ишлаб чиқариш зарурати бўлмаган ҳолда тўлиқ фойдаланмаслик ёки уларни бекорга ишлатиб қўйиш, ёритиш учун электр энергиясидан хўжасизларча фойдаланиш:

- мансабдор шахсларга БҲМ 5 бараваридан 15 бараваригача (1 млн 650 минг сўмдан 4 млн 950 минг сўмгача) миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

[t.me/huquqiyaxborot](https://t.me/huquqiyaxborot)

# ГИДРО ТЎПЛАШ ЭЛЕКТР СТАНЦИЯЛАРИ БАРПО ЭТИЛАДИ



**ХАЁТНИ БИР КУН, БИР СОАТ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИЗ ТАСАВВУР ҚИЛИШ ҚИЙИН. ЭЛЕКТРСИЗ МАКТАБДА ТАЪЛИМНИ, ШИФОХОНАДА МУОЛАЖАНИ ДАВОМ ЭТТИРИШ МУШКУЛ. МАМЛАКАТ УЧУН ЭНЕРГИЯ СУВДЕК, ҲАВОДЕК ЗАРУР. "ЎЗБЕКГИДРОЭНЕРГО" АЖ ЯХШИ ИШЛАШИ, ЛОЙИХАЛАРИНИ САМАРАЛИ АМАЛГА ОШИРИШИ ХАЛҚИМИЗ УЧУН МУҲИМ.**

Яқинда акциядорлик жамияти янги ГТЭС ни (Гидро тўплаш электр станциялари) ишга тушириш юзасидан Хитой Халқ Республикаси компанияси билан англашув меморандуми имзоланишига эришилди.

Жамият бошқаруви раиси Абдуғани Сангинов ҳамда "China Southern Power Grid International (HK) Co., Ltd" компанияси бошқаруви раиси Чжан Танжи томонидан Юқори Пскем ГТЭС, Қаратерен ГТЭС, Юқори Пскем ГЭС лойиҳалари бўйича ўзаро англашув меморандуми имзоланди.

Хитойнинг "China Southern Power Grid International (HK) Co., Ltd" компанияси ГТЭС куриш бўйича юқори тажрибага эга. Халқаро Fortune Global-500 рейтингда 89-ўринда туради. Мазкур компания бир қатор йирик гидро электр станциялар, шу жумладан, "Уч дара" (қуввати 22,5 ГВт, ўртача йиллик ишлаб чиқариши 105 миллиард кВт соат электр энергияси) ГЭС курилишида иштирок этган.

Меморандумга мувофиқ, умумий қиймати 1 миллиард 640 миллион АҚШ долларига тенг, умумий қуввати 820 МВт 3 та лойиҳа

– Юқори Пскем ГТЭС (қуввати 200 МВт), Қаратерен ГТЭС (500 МВт) ҳамда Юқори Пскем ГЭС (120 МВт) – гидроиншоотлари курилади. Шунингдек, Ўзбекистон – Хитой компаниялари томонидан қўшма ишчи гуруҳи таркибини шакллантириш борасида келишиб олинди.

Жорий йилда томонлар ўртасида тузилган қўшма ишчи гуруҳи томонидан лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асослари ишлаб чиқиши назарда тутилмоқда. Бу жараёнга халқаро тоифадаги эксперт-мутахассислар ҳам жалб этилиши кўзда тутилган. Мазкур лойиҳалар тўлиқ қувватда 2030 йилга қадар ишга туширилиши белгиланган.

Ушбу ГТЭСларнинг ишга туширилиши билан йиллик ўртача 3 миллиард кВт соат электр энергияси ишлаб чиқарилади, 835 миллион 655 минг м<sup>3</sup> ўртача йиллик табиий газ тежаллади. Шу билан бирга, атмосферага чиқувчи зарарли ис гази миқдори камайишига эришилади. Лойиҳалар тўлиқ қувватда ишга туширилгандан сўнг, 500 дан орტიқ янги иш ўрни яратилади ҳамда 1 миллион 600 мингдан орტიқ аҳоли узлуксиз электр энергияси билан таъминланади.

## ГЭСЛАРДА "ЯШИЛ ЭНЕРГИЯ" СЕРТИФИКАТЛАРИ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон энергетика тизимида биринчи бўлиб "Ўзбекгидроэнерго" АЖ таркибидаги ГЭСларда "яшил энергия" сертификатлари тизими жорий этилди. Эндиликда яшил сертификатлар биржа савдоси орқали маҳаллий ва хорижий ҳамкорларга сотила бошлайди.

2023 йил 12 майдаги "Яшил энергия" сертификатлари тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарорига мувофиқ, жорий йил 1 июлдан бошлаб "Ўзбекгидроэнерго" АЖ тизимидаги гидроэлектр станцияларида ишлаб чиқарилган электр энергияси учун "яшил энергия" сертификатлари тизими жорий этилди.

Жорий ҳисоб-китобларга кўра, "Ўзбекгидроэнерго" АЖ тасарруфидида 53 та ГЭС бор бўлиб, умумий гидроэнергетик қуввати 2 225 МВтга тенг. Жамият томонидан йилга 7 миллион дона "яшил энергия" сертификати биржа савдосига чиқарилиши ҳамда талабдорларга тақдим қилиш имконияти мавжудлиги таъкидланмоқда. Бир дона "яшил энергия" сертификати қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда, 1000 кВт.соат электр энергияси ишлаб чиқарилганини тасдиқлайди.

Этиборли жиҳати, 2030 йилга бориб иқтисодиётимизда энергия самарадорлиги 2 қарра оширилиб, қарийб 50 миллиард киловатт соат "яшил энергия" ишлаб чиқарилади. 10 минг километр магистраль ва 110 минг километр худудий электр тармоқлари барпо этилади.

"Яшил энергия" сертификати (қайта тикланадиган энергия сертификатлари деб

ҳам аталади) куёш, шамол, гидроэнергетика ва бошқа қайта тикланадиган энергия манбаларидан маълум миқдорда энергия ишлаб чиқарилганлигини тасдиқловчи электрон ҳужжатдир. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Халқаро қайта тикланувчи энергия манбаларини сертификатлаш ташкилоти (I-REC) билан келишувга эришди ҳамда ушбу тизимни тартибга солувчи масъул орган (эмитент) сифатида ушбу ташкилот аккредитациясидан ўтган.

Товар-хум ашё биржаси томонидан биржа савдоларида "яшил энергия" сертификатларини сотишга мўлжалланган алоҳида "яшил энергетика секцияси" ташкил қилинган бўлиб, spot.uzex.uz сайти орқали "яшил энергия" сертификатларини сотувга қўйиб боради. Истеъмолчи томонидан "яшил энергия" сертификатларини харид қилиш бўйича ўрнатилган тартибда шартнома тузилади, шартнома асосида Иқтисодиёт ва молия вазирлигига, яъни эмитентга гидроэлектр станцияда ишлаб чиқарилган электр энергиясига мос бўлган ҳажмда сертификат чиқариш бўйича талабнома юборилади.

Ушбу талабнома асосида эмитент жамият номига "яшил энергия" сертификатларининг ягона электрон платформасида сертификатларни чиқариб беради. Охири босқичда жамият томонидан сертификатлар истеъмолчи номига ҳисобдан чиқарилади.

Таъкидлаш жоизки, I-REC сертификатлари ("яшил энергия" сертификатлари)ни сотиш мамлакатга экологик масъулият ва қайта тикланадиган энергиядан фойдаланишга соддиқлигини намойиш этиш имконини беради. Табиий равишда Ўзбекистоннинг халқаро даражадаги экологик рейтингини оширади.

**Таштемир ХУДОЙҚУЛОВ,**  
**"Ўзбекистон овози" муҳбири.**



## СУДЬЯ МИНБАРИ

# ТАЪМАГИРНИНГ ТАНОБИ

З.Бўронов (исм-фамилияси ўзгартирилган) Қарши шаҳар ИИБ хизматига яхши ниятлар билан ишга қиради. Ўзига бириктирилган

худудда профилактика инспектори вазифасида фаолият кўрсатиб келади. Давлат томонидан

берилаётган имтиёзлар асосида автомашина ва хизмат уйи билан таъминланди, моддий томондан қийинчиликка дуч келмади.

Бирок, уни ким ва нима йўлдан урдию, ўз нафсининг қурбонига айланади.

З.Бўронов кунларнинг бирида тун қоронғусида юрган ёш йигит ва қизларни учратиб қолиб, уларни хизмат хонасига олиб келади. Улар билан профилактик суҳбат ўтказиб жавоб бериб юборади. Бирок йигитлардан бири В.Юнусовдан моддий манфаатдор бўлиш фикри унинг тинчини бузади.

Эртаси кун, В.Юнусов билан учрашиб, ҳужжатларини олиб келиш кераклигини айтади. Бу орада унинг опасига тегишли квартирага кириб боради. В.Юнусовнинг ўртоғи Ч.Усманов шу уйда ижарада яшаб келаётганини аниқлайди ва унинг фуқаролик паспортини олиб қўяди. Бу нарса ҳам профилактика инспекторига қўл келади.

Ч.Усманов орқали В.Юнусовни чақиртириб, унга опаси ва ўртоғига нисабатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий Жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 223-моддаси билан маъмурий баённома тузишини, катта миқдорда жарима қўлланилишини айтади. В.Юнусовнинг «ёрдам бериш» ҳақидаги илтимоси унга қўл келди ва ниятини очиқ айтади:

«жаримани менга тўлайсан, 100 доллар олиб кел».

В.Юнусов ИИБ ходимининг ҳаракатлари ноқонуний эканлигини сезиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ариза билан мурожаат қилади ва тезкор тадбир ўтказилади.

З.Бўронов пора олишдан аввал барча эҳтиёт чораларини кўришга ҳаракат қилган бўлса-да, 100 АҚШ долларини маъмурий баённома тузмаслик эвазига олган вақтида ашёвий далиллар билан ушланди.

Жиноят ишлари бўйича Чироқчи туман судида мазкур жиноят иши очиқ суд мажлисида кўриб чиқилди. Суднинг ҳукмига кўра, З.Бўронов Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 210-моддаси 1-қисми (мансабдор шахс томонидан пора олиш) билан айбли топилиб, 2 йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик вазифаларида ҳамда ички ишлар идораларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 2 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

**Шаҳзод БАХТИЁРОВ,**  
**Қашқадарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судьяси.**

### ИПОТЕКА КРЕДИТИ УЧУН СУБСИДИЯ

**Ипотека кредит учун субсидия олиш учун қерга мурожаат қилиш керак?**

Икки хил усулда мурожаат қилиш мумкин:

- Ариза берувчи ипотека кредитлари бўйича субсидия олиш учун исталган туман (шаҳар) давлат хизматлари марказига ўзи келиб мурожаат этади.
- Ягона интерактив давлат хизматлари порталида давлат хизматидан электрон таразда фойдаланиш учун рўйхатдан ўтади.

Мехнат мигрантлари номидан ипотека кредитлари бўйича субсидия олиш тўғрисидаги аризани унинг оила аъзолари нотариал тартибда тасдиқланган ишончнома асосида бериши мумкин.

**Уй-жой учун субсидиялар иккиламчи бозордан уй-жой сотиб олишда ҳам ажратиладими?**

**Иккиламчи бозордан уй-жой сотиб олиш учун субсидия ажратилмайди.**

Яъни, Вазирлар Маҳкамасининг 182-сон низом دائрасида фуқарога ипотека кредитлари бозор шартлари асосида белгиланадиган физик шартларида:

- Худудларда бирламчи бозордаги квартираларни сотиб олиш.
- Якка тартибдаги уй-жойларни куриш ва реконструкция қилиш (мукаммал ва жорий таъмирлаш бундан мустасно) учун ажратилади.

**Ипотека кредит учун субсидия олиш учун ариза топшириш нархи қанча?**

Давлат хизматлари маркази ва ЯИДХП (пу.gov.uz) орқали кўрсатиладиган хизматлар ва марказ томонидан тегишли ташкилотларга сўров юбориш орқали маълумотларга аниқлик киритиш тўловларсиз (бепул) амалга оширилади.

**Ипотека кредит учун субсидия орқали уй-жой олмоқчи бўлган оилаларнинг ойлик даромади қанча бўлиши керак?**

Вазирлар Маҳкамасининг 182-сон қарори билан тасдиқланган низомга асосан, талабгор шахс ёки оиланинг қонунийлик ҳужжатларига мувофиқ аниқланиши мумкин бўлган ўртача ойлик даромадлари миқдори:

- Қорақалпоғистон республикаси ва вилоятларда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорини 2,7 баравари (2 646 000 сўм)дан 8 баравари (7 840 000 сўм) гача.
- Тошкент шаҳрида 2,7 баравари (2 646 000 сўм)дан 9,2 баравари (9 018 000 сўм) гача бўлиши талаб этилади.
- Агар субсидия орқали уй олмоқчи бўлган шахс ёки оила қайси худудда яшайдиган катъий назар, уларнинг даромади бир ойда энг камда юқоридаги 2 646 000 сўмдан кам бўлса, уларнинг субсидия учун топширган аризаси шу сабабга кўра рад этилади.

@finituz @finituz @finituz @finituz



MUTOLAA

+40 Корақалпоғистон Республикаси Хоразми

+40 Бухоро Навоий

+37 Тошкент Самарқанд Жиззах Сирдарё

+40 Қашқадарё Сурхондарё

+37 Андижон Наманган Фарғона

+39 Тошкент шаҳри

t.me/uzbekiston\_ovozi\_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston\_ovozi

info@uzbovozi.uz

www.uzbovozi.uz

# “ШОИРНИНГ ТҮЙИ”

Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Эркин Аъзамнинг “Шоирнинг тўйи” қиссаси адабиётшунослар, ўқувчилар орасида маълум ва машҳур. Аслида адибнинг ижоди билан таниш бўлган китобхонлар яхши биладики, Эркин Аъзамда сарказм, кесатик, киноя жудаям кучли ва бу “Шоирнинг тўйи” қиссасида ҳам сезилиб туради.

Сарлавҳанинг ўзидаёқ буни очиб айтган. “Шоирнинг тўйи”. Бу асарни ўқиганлар бир шоирнинг тўйи экан, тўйда нимадир содир бўлган деган ҳаёлга боради. Лекин, асарнинг мазмунига кириб борганида аслида тўй эмас, аза бўлаётганини фахмлайди. Қиссанинг бош қаҳрамони Оташқалб деб аталади. Оташқалб бу - улуг ўзбек шоири, аччиқ қисмат эгаси, ёш, навқирон вақтида репрессияга учраган, қалби оташ, қалами кескир, тўғрисиўз ва ҳалол шоир. Оташқалбга Усмон Носир, Чўлпон, Фитрат, умуман, кўплаб жадидалар прототип бўла олади.

## МАЪНАВИЯТДА, ТАФАККУРДА ҚАНДАЙ УРУШЛАР БЎЛГАН?

1938 йиллар, 1950 йиллардан кейинги воқеалар ва ошкоралик замони Мафқурахоним, Алвастихон, Оташқалб мисолидаги образлар орқали таҳлил қилиш мумкин.


Яъни, бу асар ўша даврдаги жамиятнинг тафаккурини тушуниш учун ҳам катта манба бўла олади. Адиб қиссада юқорида айтиб ўтганимиздек, жамият тафаккурини кинолар, сатира билан очишга ҳаракат қилади. Ўзи миллат нимами истар эди? Ошкоралик замони бўлса-да аммо ҳамма ҳақиқда. Ҳамма бир хил “сайрайди”. Об-ҳаво қандай бўлишию қушлар неча маҳал сайраши, умуман, ҳамма-ҳаммасини Мафқурахоним ҳал қиладиган ажойиб бир замон.

Ана шу даврнинг чиркин ўйинлари биргина қиссада ва биргина тўй орқали очиб бериш учун адибнинг қалами жойида бўлиши кераклигини биз китобхонлар, албатта, яхши тушунашим.

## ЗАМОН ВА МАКОН ТУШУНЧАСИ

Жаҳон адабиётининг ҳам биламизки, замон ва макон тушунчаси мавжуд. Адиблар воқеаларни бир макон устига қурадилар. Дейлик, шифохона, йўл, парвоз вақти ва ҳоказо. Бу асарда эса воқеалар содир бўладиган жой айёрлик билан танланган. Эркин Аъзам асарда шунақанги бир қулай шароитни танлагани, бу масканда ҳамма нарса содир бўлиши мумкин бу - тўй!

Репрессия даврида қораланган, ошкоралик даврида эса номи оқланган шоирнинг юбилей тўйи. Тўй, биласиз, миллатимиз учун чиройли ўйин-кулгу, ажойиб давра ва тамоша,



яъни театрдек гап. Ва ана шу “театр”да ҳамма нарса содир бўлиши мумкин. Ёзувчи истаган сюжетларини ана шу тўй оқшомида амалга оширади. Воқеалар ишончли, тушунарли ва қизиқарли чиққан.

Қиссанинг эсда қоларли, анча таъсирли жойлари кўп. Шулардан бири – Оташқалб шоир кўл-оёқлари кесилган, тиллари забонсиз, ногиронлар аравасида ўз тўйига кириб келиши. Ўзи ҳақида айтилаётган ёлгонларга гувоҳ бўлиши ва энг аламли жойи ўзи ҳақидаги айтилаётган ёлгонларга бир оғиз ҳам эътироз билдира олмаслиги.

Ёзувчи бу асарда инсонларнинг энг тубан ва жирканч ишларга ҳам бемалол кўл ура олиши, иккиюзламачилик, мунофиқлик, ёлгончилик каби ишлардан қайтмаслигини кино билан айтади.

Эркин Аъзам қаҳрамонларга шундай номлар топганки, бу номлар уларнинг фаолияти ёки қисмати билан боғланади. Масалан, идеологияни бошқарган аёл Мафқурахоним, тарбия, характердан келиб чиқиб қилинган Алвастихон, ҳеч қачон оддий шоир номи билан аталмаган, аксинча, замон куйчиси, зафарлар бўлбули, давр жарчиси, энди эса Оқсоқол шоир номи билан аталадиган Оташқалбнинг дўсти Оқсоқол шоир.

Муаллиф унга шу қисматни раво кўрган ва аслида ҳам бундай тақдир эгалари камми? Хуллас, ҳар бир ном ортида тақдирлар яширинган. Уларни тушуниш учун эса асарга қалбдан кириб бориш керак. Чунки бу номларга мутуйиба сифатида қараб бўлмайди, бу фожиавий номлар аслида.

Афсуски, адабиёт оламида янги асар бўй кўрсатса, у фақат адабиётшунослар доирасида муҳокама қилинади, холос. Рус, француз, инглиз халқларида, умуман, жаҳонда миллийлик ривожланишида адабиёт муҳим ўрин тутган. Адабиёт тасаввур қилиб бўлмас кучга эга, аммо айрим замонларда талантсиз ва характерсиз зиёлилар сиёсатга хизматчи бўлиб

қолган. “Шоирнинг тўйи”да ҳам шундай муаммолар кўтарилган.

Саҳнада Ажойиб домла:  
– Оташқалб дўстим, жуда тартибли ва одобли йигит эди. Мактабда ҳамма ўқитувчиларни айтганини қиларди. Ҳамма тадбирларда фаол эди, “5” га ўқир эди...

Ажойиб домланинг Оташқалб шоир ҳақида айтган гапларидан улар нақадар яқин ва иноқ дўст бўлган экан, деган ҳаёлга келасиз. Тирикликда тупроқчалик қадр бўлмаган марҳум шоирга берилган бундай таърифлар саҳнада баралла янгради. Ўқиганингиз сари сизда нафрат, жирканиш пайдо бўлади. Даврнинг, сиёсатнинг чиркин ўйинлари, жамият таназулига гувоҳ бўлаверасиз. Саҳнада булбул каби сайраб, раҳматли шоирга мадҳиялар айтган Ажойиб домла ҳам давр, сиёсат, жамият қурбони эдимиз?

## АЖОЙИБ ДОМЛА ЎЗ ХОНАДОНИДА

Кўеви сўрайди:  
– Ота, қандай бўлди тадбир? Оламдан ўтиб кетган шоир экан-а? Исми нима эди? Ажойиб домла:  
– Исми... Исми...  
Ажойиб домланинг мана шу жавоби ҳам фожиа. Ким ҳақида гапираётганини билмай “сайраш”, шаблондан чиқмаслик...

Бу асарнинг экран талқини йўқ. Театрларда ҳам сахналаштирилмаган. Менимча, бунга ҳоҳат ҳам йўқ. Чунки, ёзувчи сахнани кўз олдингизга олиб келиб қўйган. Шунда ҳам айрим китобхонлар асарнинг экран ёки сахна талқини бўлганда эди, деган фикрларни айтишади. Аммо режиссёрларнинг қайчиларидан бу асар омон чиқиши гўмон. Шу сабабли асарнинг ўзини ўқишни, мағзини чақишни, завқини туюшни тавсия этаман.

Нигора ҲАСАНОВА,  
адабий шарҳловчи.

Маҳсулот учун чек берилмаса, онлайн буюртма сифатсиз бўлиб чиқса...

## ХАРИДОР НИМА ҚИЛИШИ КЕРАК?

Дўконлардан харид пайтида ҳар хил ҳолатларга ва баъзан муаммоларга дуч келинади. Пластик ва нақд тўлов шакли учун ҳар хил нархлар, рекламада сифатли кўрсатилган маҳсулот онлайн буюртма қилинганда сифатсиз бўлиб чиқиши, харид қилинган товар учун чек берилмаслиги ва ҳоказо... Харидор бундай ҳолларда нима қилиши керак? Қонунчиликда бундай вазиятларга қандай ечим кўрсатилган?



### 1. Онлайн-дўконлар фирма номи ва манзилини кўрсатиши шарт.

Сайт ва ижтимоий тармоқларда турли маҳсулотлар реклама қилинади. Уларнинг кўпида дўкон номи ва манзили кўрсатилмаган бўлади, харидорлар ҳам буни деярли талаб қилмайди. Бундай ҳолда буюртма келганидан кейин товарнинг сифати ёки кўриниши ёқмаса уни қайтариш имкони бўлмайди.

Қонунчиликка кўра, сотувчи ўз ташкилотининг фирма номи, унинг жойлашган (юримдик) манзили ва иш тартибини истеъмолчиларга маълум қилиши шарт. Бундай маълумот лавҳада акс эттирилиши лозим.

Шунинг учун нимадир харид қилаётганда ҳар доим сотувчидан фирма номи ва манзилини сўраб олиш керак.

### 2. Маълумот давлат тилида бўлиши шарт.

Дўконларда сотувчи ҳақидаги, савдо қоидалари товар (иш, хизмат) тўғрисидаги маълумотлар истеъмолчига давлат тилида тақдим этилиши керак. (Мазкур маълумот кўшимча равишда бошқа тилларда ҳам тақдим этилиши мумкин).

### 3. Нотўғри реклама оқибатида истеъмолчига етказилган зарарни сотувчи тўлиқ қоплаши керак.

Ишлаб чиқарувчилар ва дўконлар маҳсулотини реклама қилади. Баъзи ҳолларда сотиб олинган товар рекламада кўрсатилганидек бўлиб чиқмаслиги мумкин. Бундай ҳолда харидор нима қилиши керак?

Нотўғри реклама оқибатида сотиб олинган товар (иш, хизмат) туфайли истеъмолчига етказилган зарар сотувчи томонидан тўлиқ ҳажда қопланиши лозим. Харидор буни сотувчидан талаб қилиши ва судга мурожаат қилиши мумкин.

### 4. Чек бермасдан сотиш мумкин эмас.

Товар учун чек олмаслик бу нафақат иқтисодиётга, балки харидорнинг ўзига ҳам зарар. Масалан, товар чексиз олиб кетилади ва сифатсиз бўлиб чиқди. Бу ҳолатда маҳсулотни айнан шу дўкондан сотиб олинганини исботлаб бўлмайди.

Қонунчиликка кўра, олди-сотди амалга оширилганда истеъмолчига касса ёки товар чеки берилади. Товари касса ёки товар чекини бермасдан сотиш тақиқланади.

Дўкондан харид қилинганда ҳар доим чек талаб қилиш керак.

### 5. Тўлов турига қараб битта товар учун ҳар хил нарх қўйиш тақиқланади.

Маҳсулот харид қилинаётганда “нақдми ёки пластик?” каби саволлар берилиши, товар учун пластикда тўлов қилинганда нарх сал қимматроқ бўлишини айтиш ҳоллари учраб туради. “Нима учун тўловлар ҳар хил?” деган саволга сотувчилар солиқлар, пулни ҳисоб рақамдан ечиш қийинлигини ваҳ қилади. Аслида эса сотувчи ўз фаолиятини олиб борганлиги учун ва унга шундай шароит яратиб берилганлиги учун солиқ тўлаши керак.

Қонунчиликда товарлар (ишлар, хизматлар) учун ҳақ тўлаш нақд пулли ёки нақд пулсиз шаклда амалга оширилиши мумкинлиги белгиланган. Шунингдек, **сотувчининг ҳақ тўлаш шаклига қараб товарнинг айна бир маркази (моделли, артикули), шунингдек, бир хил ҳажмдаги ва сифатдаги ишлар, хизматлар учун ҳар хил нархлар (тарифлари) белгилаши, шу жумладан, уларни сунъий равишда ошириши ёки пасайтириши тақиқланиши** ҳам кўрсатиб ўтилган.

Юқоридаги каби ҳолатлар юзага келганда, бу бўйича истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш органларига ёки судга мурожаат қилиш зарур.

## ЎҚУВЧИЛАРИМИЗ БРОНЗА МЕДАЛИНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ

Халқаро биология олимпиадасида бронза медалини қўлга киритган ғолиб ўқувчилар 66 млн сўмдан, уларнинг ўқитувчилари эса 49,5 млн сўмдан пул мукофотлари билан тақдирланади

Шу йилнинг 3-11 июль кунлари Бирлашган Араб Амирлигининг Ал-Айн шаҳрида 80 мамлакатдан жами 310 нафар ўқувчи иштирок этган 34-Халқаро биология олимпиадасида ўзбекистонлик 3 нафар ўқувчи бронза медалини қўлга киритди.

Ғолиб ўқувчилар Бехруз Турсунов, Ғолибжон Шарифов, Мухаммадиброҳим Эгамбердиевга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги «Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ 3-ўрин (бронза медаль) учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 баравари (66 млн сўм), устозига 150 баравар (49,5 млн сўм) пул мукофотлари берилди.

## unov Bekhruz Farrukh Ugli



## БАДИЙ ГИМНАСТИКАЧИЛАРИМИЗ ТАРИХИЙ НАТИЖАГА ЭРИШДИ



Руминиянинг Клуж-Напока шаҳрида бадий гимнастика бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида мамлакатимиз спортчилари иккита бронза медалини қўлга киритди.

Бу ҳақда Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги матбуот хизмати хабар берди. Қизиқарли беллашувлар якунида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Анастасия Сарансева ҳалқа, Мишель Нестерова тасмадаги машқларда шохсупанинг учинчи погонасидан жой олди. Ҳалқа машқларида биринчи ва иккинчи ўринлар Исроил ва Руминия вакилларига насиб этган бўлса, тасма мусобақасида польшалик ҳамда болгариялик гимнастикачи қизлар олтин ва кумуш медалли бўлди.

Эътиборли жиҳати, мазкур натижа бадий гимнастика бўйича жаҳон чемпионатлари тарихида ўзбекистонлик спортчиларнинг илк ютуғи бўлди.

Т.РЎЗИЕВ.

МУАССИС:

O'zbekiston ovozi

ТАХРИР ҲАЙ'АТИ:

Ulug'bek INOYATOV Muslihidin MUHIDDINOV  
Ulug'bek VAFOYEV Hayotxon ORTIQBOYEVA  
Maqsuda VORISOVA Shuhrat ISLOMOV  
Qalandar ABDURAHMONOV Toshtemir XUDOYQULOV  
Guliston ANNAQILICHEVA

Бoш муҳаррир: То'лиқ ТО'РАХОНОВ

МАНЗИЛИМИЗ: 100135, Toshkent, Bunyodkor shoh ko'chasi, 50 «А»-уй.

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida chop etildi.

Korxonaning manzili: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan ABDUNOYEV  
Sahifalovchi: Bekzod ABDUZAROV

Г — 736. 16810 Nuxhada bosildi. O'za yakuni —

Nashr ko'rsatkichi — 220. Topshirilgan vaqti — 00:15

t — Tijorat materiallari 1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.